

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КИЛИЧЕВА МЕХРИНИСО РАЖАБОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТЛАР
ТАЛҚИНИДА АДАБИЙ ТАЪСИР МУАММОСИ
(ЁЛҒИЗЛИК МОТИВИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 811.113:512.133+87'1 (575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological sciences**

Киличева Мехринисо Ражабовна

Инглиз ва ўзбек адабиётида психологик ҳолатлар талқинида адабий
таъсир муаммоси (ёлғизлик мотиви мисолида)..... 3

Киличева Мехринисо Ражабовна

Проблема литературного влияния в интерпретации психологических
состояний в английской и узбекской литературе (на примере мотива
одиночества)..... 24

Kilicheva Mekhriniso Rajabovna

The Problem of Literary Influence in the Interpretation of Psychological States
in the English and Uzbek Literature (on the example of loneliness
motif)..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КИЛИЧЕВА МЕХРИНИСО РАЖАБОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТЛАР
ТАЛҚИНИДА АДАБИЙ ТАЪСИР МУАММОСИ
(ЎЛҒИЗЛИК МОТИВИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.3.PhD/Fil589 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаршибаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/03.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2020 йил «30» июль кuni тарқатилди.
(2020 йил «30» июль даги 985 - рақамли реестр баённомаси.)



М.К. Бакаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида инсон руҳий олами, ижтимоий-психологик вазияти билан боғлиқ кўркув, даҳшат, ўлим, ёлғизлик, бегонасираш, ёлғончилик, ақллилик, макр-хийла, телбалик, туш, жиноят учун жазоланиш сингари турли кечинма ва ҳолатларнинг бадиий талқинига ҳамиша алоҳида ўрин ажратилган. Уларнинг инсон ҳаётида келиб чиқиш омиллари бадиий-руҳий таҳлил қилиниб, оқибатларидан огоҳлантирилган. Одам психологик ҳолатларининг поэтик ифодасига хос қонуниятларни аниқлаш, бадиий мотивлаштириш усуллари кўрсатиб бериш эса адабиётнинг инсонлар ҳаётидаги ижтимоий-психологик мавқеи, бадиий-эстетик ўрни ва ролини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё халқлари орасида ёлғизлик глобал муаммога айланиб бораётган ҳозирги бир шароитда ёлғизлик мотиви ҳам адабиётда етакчи ўринга кўтарилгани адабиётшунослар эътиборини тортмоқда. Унинг ноэстетик ҳодисадан эстетик ҳодисага айланиш асослари, ижтимоий-руҳий омиллари, жаҳон адиблари ижодида даврларга, миллий, диний-этиқодий тушунчаларга қараб турлича бадиий талқин этилганлигига қизиқиш ортиб бормоқда. Дунё халқлари адабиётида учрайдиган ёлғизлик мотивининг генезиси, бадиий хусусиятлари, кўринишлари, тадрижини аниқлаш поэтик тафаккур такомил белгиларини, бу борадаги услубий янгиланишлар моҳиятини очиш имконини беради.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор»¹ даражасида юксалган адабиётшунослигимизда жаҳон адабиёти бадиий тажрибалари билан бўйлаша оладиган асарлар таҳлили ва тадқиқига катта аҳамият берилга бошланди. Уларга хос муштарак ва индивидуал жиҳатларни ёритишга қизиқиш кучайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ва миллий адабиётимизда ёлғизлик мотиви асосида яратилган асарлар силсиласи алоҳида диққатни тортади. Уларни махсус тизим сифатида ўрганиш эса сюжет ва мотив масаласининг назарий асослари ҳақидаги тушунчаларни бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёлғизлик муаммоси кўп фанлар кесимида фалсафий, рухий, ижтимоий нуқтаи назардан ўрганиб келинмоқда. Айниқса, психология ва адабиётшунослик соҳасида инсон рухий ҳолатлари талқинини ўрганиш борасида яратилган диссертация, монография, рисола ва мақолалар алоҳида эътиборни тортади². Улардан айримларида ёлғизлик мотиви бадиий адабиётнинг муҳим масалаларидан бири сифатида кўрсатилган³. Бу масалада инглиз адабиётшуносларидан В.Массининг «Ховсрон, Мелвил ва Кейт Чопин ижодида ёлғизлик», Б.Мидлтоннинг «Кетрин Менсфилд ҳаёти ва ижодида бегоналашув мавзуси», А. Ворслейнинг «Романтизмгача шеъриятда ёлғизлик», Х.Гибсон, П.Ласлетларнинг ёлғизликнинг фалсафа, социология ва адабиётдаги шакллари ҳақидаги илмий ишлари эълон қилинган⁴.

Ўзбек олимларидан Ҳ.Умuroв ўзбек романларида рухий таҳлил муаммосига бағишланган докторлик, А.Холмуродов «Одил Ёқубов романларида психологизм», П.Кенжаева «Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари» масаласига бағишланган номзодлик тадқиқотларида психологизмнинг бадиий яшаш шакллари

²Зигмунд Ф. Сон и сновидения. – Москва: Олимп, 1997. – 484 с.; Юнг К.Г. Аналитическая психология. – Москва: Мартис, 1995. – 218 с.; Фромм Э. Душа человека. – Москва: Республика, 1992. – 152 с.

³Бахтин М. Вопросы литературы и эстетика. – Москва: Художественная литература, 1975. – 504 с.; Слободчиков И.М. Теоретико-экспериментальное исследование феномена одиночества личности: Дисс. д-ра филос. наук. – М., 2006. – 330 с.; Kohn M. L. Occupational structure and alienation // American Journal of Sociology, 1976. – Vol.82. – P.11-130.; Peplau L.A., Perlman D. Blueprint for a social psychological theory of loneliness. // Love and Attraction: An International conference. – Oxford: Pergamon, 1979. – P. 99-108; Seeman M. On the meaning of alienation // American Sociological Review, Vol. 24. – P. 783-791.

⁴Massie V.Z. Solitary blessings: solitude in the fiction of Hawthorne, Melville, and Kate Chopin. A Dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – Louisiana, 2005. – 183 p.; Middleton B. S. Alienation in the life and works of Katherine Mansfield. A thesis submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Master of Arts. – Texas, 1966. – 139 p.; Worsley A. The poetry of loneliness from Romance to Romanticism. – Princeton: Princeton University, 2014. – 251 p.; Gibson H., Laslett P. Loneliness in later life. – London: Macmillan Press Ltd. 2000. – 165 p.

хусусида тўхталганлар, асар қаҳрамонлари руҳиятининг рамзий тадқиқ қилинишига эътибор қаратганлар⁵.

Қиёсий адабиётшунослик соҳасида Н.И.Конрад адабий таъсир ва адабий алоқалар, Д.Дюришин адабий таъсирнинг моҳиятини аниқлаш, В.М.Жирмунский Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, А.Қосимов типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсир муаммоларига муносабат билдиришган⁶.

XXI аср ўзбек адабиётшунослигида ёлғизлик мотиви, унинг ижтимоий-психологик асослари ва сабаблари хусусида Р.Саидова ҳам «Ақл ва руҳ баҳси» рисоласида тўхталган⁷. Бунда муаллиф Д.Дефо, Ф.Кафка, А.Камю, Ф.Достоевский, А.Чехов, ўзбек адибларидан Т.Мурод ҳамда У.Ҳамдам асарлари мисолида фикр юритиб, рус ва ўзбек адабиёти қиёси асосида ёлғизлик мавзусининг турли талқинларга сабаб бўлишини очишга ҳаракат қилган.

Ушбу тадқиқотда эса инглиз ва ўзбек шеърлятида, ҳикоя, қисса, роман каби наср намуналарида ёлғизлик мотивини инсон руҳий ҳолати сифатида бадиий қаҳрамон ҳаёти мисолида мотивлаштириш анъанавийлиги, тизимлилик принципи, ички кўринишларга бўлиниши, келиб чиқиш омиллари талқинига хос хусусиятлар, маъновий индукция ҳосил қилишдаги роли, асар сюжети шакллантириши, актуаллашуви натижасида сарлавҳада акс этиши, ижодкорнинг ёлғиз одам образини яратиш маҳорати ҳамда бунда адабий таъсирнинг ўрни, руҳий таҳлил имкониятларининг аҳамияти каби масалалар назарий-амалий жиҳатдан қиёсий тадқиқ қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш» йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивининг бадиий-руҳий талқин хусусиятларини ҳамда бунда адабий таъсирнинг ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий адабиётда инсон ёлғизлик ҳолатини мотивлаштириб акс эттиришнинг ижтимоий-психологик асослари, анъанавийлиги, тадрижий тақомили ва поэтик кўринишларини аниқлаш;

⁵Умuroв Х.И. Проблема психологизма и узбекский роман: Дисс. на соиск. учен. степ. д-ра филол. наук. – Ташкент, 1983. – 363с.; Умuroв Х. Ўзбек романчилигида бадиий психологизм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 22-40; Умuroв Х. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан, 1983. – 148 б.; Холмуродов А. Одил Ёкубов романларида психологизм: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1991. – 53 б.; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.

⁶Конрад Н.И. Литература и театр. – Москва: Наука, 1978. – С.32-33; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – 318 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Москва: Наука, 1979. – 495 с.; Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

⁷Саидова Р. Ақл ва руҳ баҳси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 112 б.

ёлғизликнинг инсон психологик ҳолатларидан бири сифатида адабиётда бадиий-руҳий тавсифланиши ва таснифланишини кўрсатиб бериш;

Англия-Америка ҳамда ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивининг ғоявий-эстетик хусусиятларини, асар сюжет қурилишида воқеаларни боғлашдаги поэтик вазифаларини когнитив-дискурсив, ассоциатив таҳлилда очиш;

ёлғизлик ҳолатини бадиий ёритишда руҳий таҳлилнинг ролини, ўзбек ижодкорларининг психологик ҳамда психоаналитик таҳлилу талқин тамойилларини ўзлаштиришида адабий таъсирнинг ўрнини асослаш;

ёлғизлик мотивининг инсон кечинмалари фонида ифодаланишини, ёлғиз шахс образи талқинига диний-эътиқодий, маросимий тушунчаларнинг таъсирини, «Ёлғизлик» сарлавҳаси билан яратилган асарлар поэтикасида мазмуний ва композицион бутунликни таъминловчи психолингвистик, лингвопоэтик воситалар ўрнини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек ижодкорларининг ёлғизлик мотиви инсон руҳий ҳолати кўринишида бадиий талқин қилинган шеърӣ асарлари ҳамда ҳикоя, қисса, романлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивининг бадиий-руҳий талқин хусусиятлари, кўринишлари, поэтик вазифалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психолингвистик ва психоаналитик, когнитив-дискурсив, ассоциатив таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек шеърӣятида, ҳикоя, қисса, роман каби наср намуналарида метафора, антитеза, рамз, пейзаж, конфликт, қиёслаш сингари бадиий тасвир воситалари инсон ёлғизлик ҳолатининг ижтимоий-психологик факторлари поэтик мотивлаштирилишига алоқадор бадиий хусусиятларни воқелантиришда бирламчи функция бажариши аниқланган;

ёлғизлик мотивининг анъанавийлиги, тизимлилик принципи, маъновий индукция ҳосил қилиши, асар сюжет мазмунини шакллантириши, актуаллашуви натижасида сарлавҳада акс этиш асослари, бунда ижодкорнинг ёлғиз одам образини яратиш, пейзаж, ранг символикаси, монолог каби поэтик воситалардан фойдаланиш жараёнида руҳий таҳлил, когнитив-дискурсив, ассоциатив мотивлаштириш маҳорати асосланган;

инглиз ва ўзбек адабий контекстида ёлғизликнинг танҳолик, ёлғизланиш, бегоналашув, динга қаттиқ берилиш, жамиятни қабул қила олмаслик, келажакка ишончсизлик кўринишларининг маданий, ижтимоий, антропологик интеграллашувида рамзий-фалсафӣ ва ижобӣ/салбий жиҳатдан намоён бўладиган концептуал моҳияти исботланган;

инглиз ва ўзбек ижодкорлари асарларида миллат менталитети, диний-эътиқодий, маросимий тушунчалар, руҳий таҳлил, ижтимоий мавқе, адабий таъсир ёлғизлик мотивининг муаллиф ижоди индивидуаллигини белгилаш, сюжетнинг ўзагини таъминлаш каби бадиий-эстетик ва композицион вазифаларни ўташида муҳим омиллардан бири эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалӣ натижалари қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда ёлғизлик мотивининг назарий таърифини яратиш, унинг ҳозирги илмий-фалсафий, бадиий тафаккур нуқтаи назаридан юзага келиш асосларини очиш ва шунга мувофиқ таснифини амалга ошириш; ўзига хос поэтик хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифаларини турли тизимли тилларда яратилган асарлар мисолида қиёсий далиллаш адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти тарихи, қиёсий адабиётшунослик каби фанлардан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ёлғизлик мотивининг алоҳида ўрганилиши жаҳон адабиётида қўрқув, даҳшат, ёлғончилик, ақллилик балоси, телбалик, макр-ҳийла, жиноят ва жазо каби инсон руҳияти, ижтимоий-психологик вазият ва ҳолатлари билан боғлиқ турли категориялар бадиий талқинига хос хусусиятларни ҳам тадқиқ қилиш мумкинлигини исботлаган;

ёлғизлик мотивининг асар сюжети бадииятини оширишдаги эстетик роли, анъанавий психологик мотивлар тизимида тутган ўрни, ўзига хос поэтик хусусиятлари ва вазифалари очиб берилиши бугунги кунда ёш авлоднинг ўзлигини англаши, инсонларни руҳан тушунишида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда келтирилган назарий хулосаларнинг мавжуд илмий ва бадиий манбаларга таяниб олинганлиги, амалга оширилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психолингвистик ва психоаналитик, когнитив-дискурсив, ассоциатив методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр, хулоса, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг асосий таҳлилий хулосаларидан жаҳон адабиётида сюжет ва мотив поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиришда, бир тизимга солишда, ёлғизлик мотивини тавсифлаш ва таснифлаш имконини берувчи илмий-методологик ёндашувларни асослашда, мазкур мотивнинг қўрқув, ўлим, бегоналашув, телбалик, макр-ҳийла, туш сингари инсон руҳияти, кечинмалари, ижтимоий воқеликлар таъсирида келиб чиқадиган турли психологик вазият ва ҳолатлардан фарқи, мотивлаштириш омиллари, поэтик хусусиятлари ва қонуниятларини очиб беришда, жаҳон адабий анъанавий психологик мотивларнинг бадиий тараққиёт тамойилларини белгилашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий хулосалардан жаҳон адабиётидаги анъанавий психологик мотивларнинг ўзига хос кўринишларини аниқлашда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга сюжет ва мотив поэтикаси, анъанавий мотивлар тизими, сайёр мотивлар тўғрисида адабий-назарий маълумотлар беришда, уларнинг жаҳон адабиётида тутган ўрнини англантишда, бунга дахлдор «Жаҳон адабиёти тарихи», «Адабиёт назарияси», «Қиёсий адабиётшунослик» сингари дарсликларни яратишда, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуаларни тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жаҳон адиблари ижодида ёлғизлик мотивининг ўрни, поэтик хусусиятлари ва вазифаларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглизбабон ва ўзбек ижодкорлари асарларида ёлғизликнинг космик, маданий, ижтимоий, шахсий турлари, ёлғизлик ҳолатининг кечиш вақти ва вазиятига қараб сурункали, вақтинча, вазиятли бўлиши, мақсадига кўра кўнгилли ва мажбурий кўринишларининг таснифланиши, поэтик мотивлаштирилишининг ижтимоий-руҳий омиллари билан боғлиқ хулосалардан Ф-1-06 «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусида бажарилган фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 89-03-2371-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиёти билан жаҳон адабиётидаги баъзи мотивларнинг табиати, вазифаси жиҳатидан ўзаро муштараклик касб этиши, дунё халқлари адабиёти анъаналарининг ўзбек адабиётида ҳам мавжудлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивининг қаҳрамонлар руҳий ҳолатига ижобий ва салбий таъсири, икки миллат ижодкорларининг ёлғизлик мотивини қўллаш тажрибасида кексалик, хиёнат, ижодга берилиш, телбалик, оила аъзолари билан муносабатларнинг узилиши, ўлим, одам зотини ёқтирмаслик, нафрат каби муштарак ёлғизлик факторларининг асосланишига доир хулосалардан Лал Баҳадур Шастри номидаги ҳинд маданият марказида «Жаҳон адабиётида ёлғизлик мотиви: унинг турлари ва омиллари» мавзуида қилинган маърузада фойдаланилган (Лал Баҳадур Шастри номидаги ҳинд маданият марказининг 2020 йил 2 мартдаги маълумотномаси). Бу эса марказ мутахассисларининг инглиз ва ўзбек тилларида яратилган асарлар бадиий хусусиятлари ҳақидаги билимлар базасини янада кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилган;

бадиий-психологик асарларда ёлғизлик билан боғлиқ руҳий вазият ва ҳолатларнинг ғоявий-эстетик ҳамда композицион жиҳатдан аҳамият касб этиши, асар сюжети воқеаларини ўз атрофига бирлаштириши, турли миллатлар адабиётида бундай асарлар ёлғизликнинг миллий, диний-эътиқодий, маросимий тушунчалар асосида ифода этилишининг бадиий хусусиятлари билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» каби туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 мартдаги 1/416-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг ҳозирги кунда инсоният ҳаётида глобал муаммога айланиб бораётган ёлғизлик ҳолатининг жаҳон ва ўзбек адабиётидаги бадиий талқинига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган;

ёлғизлик ҳолатини бадиий ёритишда руҳий таҳлилнинг ўрни ва аҳамияти, ўзбек ижодкорлари томонидан замонавий руҳий таҳлил асосларининг ўзлаштирилиши, адабий таъсирнинг ўрни ва роли билан боғлиқ

илмий хулоса ва натижалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят худудий бўлинмаси мутахассисларининг касбий фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 17 августдаги 01-03-15/706-сон маълумотномаси). Натижада бўлинма мутахассисларининг замонавий адабий оқимлар ва танқидчилик ҳақидаги назарий билимларини бир тизимга солишлари, бадиий тараққиёт тамойиллари ва мазкур жанрдаги асарлар моҳиятини теран англашлари учун имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсон ёлғизлик ҳолатини адабиётда акс эттиришнинг ижтимоий-психологик асослари**» деб аталган биринчи боби «Ёлғизликнинг инсон психологик ҳолатларидан бири сифатида адабиётда бадиий-руҳий тавсифланиши ва таснифланиши», «Инсон ёлғизлик ҳолати факторларини жаҳон адабиётида поэтик мотивлаштириш асослари», «Ёлғизлик ҳолатини бадиий ёритишда руҳий таҳлил тамойиллари» номли уч фаслдан таркиб топган бўлиб, уларда ёлғизлик мотивининг келиб чиқиш асослари, анъанавийлиги, ижтимоий-психологик омиллари, руҳий кўринишлари, яқкалик ва танҳоликдан фарқи, инглиз тилида номланиши, бадиий-эстетик вазифалари, поэтик хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

Жамият ва инсон муаммоси дунё халқлари адабиётида ҳамиша бош мавзулардан бири бўлиб келган. Айниқса, бунда инсоннинг жамиятдан, одамлардан айрилиб четда қолиши, ёлғизланиши фожиавий ҳолат экани алоҳида таъкидланиши ва тасвирланиши кузатилади.

Ёлғизликда инсон ё ўзлигини йўқотиши, ё ўзлигини англаши мумкин. Шунга кўра, ёлғизлик мавзуси жаҳон адабиётида ҳам ижобий, ҳам салбий

ходиса сифатида мотивлаштирилиши ўзига хос анъана тусини олган. Ёлғизлик, бир томондан, одамнинг бошқалар билан зарур алоқаларни ўрнатишига тўсқинлик қиладиган умидсизлик, кўрқув, азоб-уқубат, сабрсизлик, ўз-ўзига ишончсизлик ёки ачиниш каби салбий туйғуларидан келиб чиқадиган жуда бахтсиз, изоляцияланган ҳолати, бошқа томондан, инсоннинг ижтимоий ҳаёти ва турмушини, хатти-ҳаракатларини чуқур англаш, фикрларини, қарорларини ойдинлаштириш учун берилган вақт, имконият, бошдан кечирилган бир фурсатдир. Шунинг учун психологик асарларда кўпинча ёлғизликнинг худди мана шу жиҳатлари тасвирига эътибор қаратилган.

Жаҳон, жумладан, инглиз ва ўзбек халқ оғзаки ижодида ёлғизлик ҳақида бир талай мақоллар ва диний-мифологик афсоналарнинг мавжудлиги ёлғизлик инсоннинг ўзи каби қадимлигини далиллайди. Адабиётда инсон бошидан кечирадиган психологик ҳодиса: психик жараён, хусусият ва психик ҳолатлар инсоннинг жисмоний-руҳий ҳолати, онг қатламларини ифодалашда қўлланилади. Инсоннинг ақлий, ҳиссий, иродавий, маънавий, коммуникатив, ижтимоий-эмоционал, қувватий ҳолат типлари бадиий адабиётнинг ўзига хос тасвир объектига айланган.

Бадиий асарларда ёлғизликнинг, руҳшунослар кўрсатиб ўтганидек, космик, маданий, ижтимоий, шахсий ёлғизлик турлари, мақсадига кўра эса кўнгилли ва мажбурий типлари тасвирланган.

Инсон ёлғизланиб қолишига яқин одами, хусусан, ота-она, дўсти ёки севгилисини ўлим туфайли йўқотиш, болаликдан етимлик ва асрандилик, одамлар билан мулоқотда бўлиш қобилиятига эга эмаслик, кўпчиликка аралашидан кўрқиш, яшаш жойини ўзгартириш, одамлар мутлақо бўлмаган (космос, кимсасиз орол каби) жойга бориб қолиш, оила аъзолари билан шахсий муносабатларининг дарз кетиши, ногирон бўлиб қолиш, телбалик, динга қаттиқ берилиш, зоҳидлик, баъзи диний маросим ва урф-одатлар таъсири, илмга ёки бадиий ижодга берилиш, бахтсиз севгидан аламзадалик, ирқий камситилиш, хиёнат, хоинлик, жиноят қилиш, жамият томонидан рад этилиш: сургун ёки қамоқ жазосини олиш, замон воқеаларининг салбий таъсирига учраш, жамиятга ёт фикрлаш тарзи, жамиятни қабул қила олмаслик, нафақага чиқиш, қашшоқлик, умидсизлик, келажакка ишончсизлик, одам зотини ёқтирмаслик, инсонлардан нафратланиш, улардан кўра ҳайвонот дунёсини севиш ва бошқалар ижтимоий-руҳий омил бўлиши мумкин. Айни пайтда улар бадиий ижодда ёлғизликнинг поэтик мотивлаштирилишига асос бўлганлиги кузатилади.

Инглиз тилида ёлғизлик «solitude, loneliness, isolation, estrangement, exile, alienation» каби атамалар билан ифодаланади. Бу атамалар кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилса-да, моҳиятида бир-биридан фарқли томонлари мавжуд. Негаки, ёлғизлик ҳолати моҳиятан уч хил турда намоён бўлади:

1. Solitude – танҳолик ҳолати бўлиб, у кўпроқ ижобий моҳият касб этади. Чунки бунда киши фикр юритиш, ички изланиш, ўсиш ҳолатида бўлиб, ўзини анча тетиклаштириб, руҳиятини тозалаб, фикрларини тиниқлаштириб, ишончини мустаҳкамлаб олади, инсон ўзининг ички

«Мен»ини кашф этади. Бироқ танҳолик узоқ давом этса, у инсонга фойда эмас, аксинча, зарар келтириб, ҳақиқий ёлғизликка гирифтор қилиши мумкин.

2. Loneliness – ёлғизлик сўзи салбий маънога эга оғриқли тажриба сифатида руҳий ва жисмоний соғлиқни ёмонлаштиради; ўзига ишончини синдиради; тушкунликни келтириб чиқаради ва кўркувга сабаб бўлади. Бунинг натижасида руҳий муаммолар пайдо бўлиш эҳтимоли каттадир. Танҳолик инсон руҳини покласа, том маънодаги ёлғизлик эса уни емиради.

3. Alienation – бегоналашув, яккаланиш ҳолати бўлиб, бунда инсон бегоналик, тегишли эмаслик, номувофиқлик ҳисларини бошдан кечиради. Ўзини ниҳоятда якка-ёлғиз, ортиқча ва бегона ҳис этади. Теварак-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга аралашинишга журъат қилмайди. Уларни ўзига тегишли деб ҳисобламайди. Лекин бундай ёлғизлик тури инсон руҳиятининг яширин жиҳатларини очиб бериши мумкин.

Жаҳон адабиётида ёлғизлик мотиви сюжетида етакчи ўрин эгаллаган асарлар жуда кўп. Шуни ҳисобга олиб, мазкур мавзуда фикр юритган Р.Саидова ёзади: «Шарқ мумтоз поэзиясидан тортиб антик давр адабиётигача, Европа романтизмидан тортиб Хитой ва Япон фалсафий прозасигача, кейинги даврлардаги реализм, символизм, модернизм адабиётининг энг юксак намуналаригача инсон ёлғизлиги мотиви турли шаклу шамойилларда акс этиб келмоқда. Ҳатто тўғридан-тўғри ёлғизлик деб номланган насрий ва шеърий асарларни санаб чиқишнинг иложи бўлмаса керак»⁸.

Адабиётда ёлғизлик талқини, қайси асарда илк бор ёлғизлик мавзусига мурожаат қилингани, ундан сюжет воқеаларини боғловчи мотив сифатида бадиий-эстетик мақсад ва вазифада фойдалана бошлангани борасида ҳам баҳс-мунозарали фикрлар мавжуд. Аниқроғи, бу мавзу илк марта итальян шоири Ф.Петрарка ижодида учрайди. Унинг «Ёлғизлик ҳаёти» асарида ёлғиз ўтказилган ҳаёт учун дунёнинг биринчи узри келтирилган⁹. Юнон олами кулаши билан Рим империяси унинг ўрнини эгаллашни бошлар экан, ёлғизлик фалсафаси Ҳорас, Сенека ва Марк Аврелий ижодида бўй кўрсатди. Улар ҳам ёлғизликда таскин топган ички хотиржамлик руҳини тарғиб қилдилар. Ҳиндистон «Веда»ларида, араб мусулмон дунёсида сўфийлик тариқатида ҳаёт мазмунини англашга, илоҳиётни тушунишга ёлғизлик йўли ва воситасида ҳаракат қилинган. Илк насроний саҳро зоҳидлари ҳақидаги ҳикояларда бош мавзу зоҳидларнинг шаҳар ҳаётдан қочиши ва илоҳиётни англаш учун ёлғизликни ихтиёр этишларидир.

Ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивига илк бор Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонида мурожаат этган. Достондаги асосий қаҳрамонлардан бири – Ўзғурмиш зоҳидлик тимсоли сифатида гавдалантирилар экан, унинг ёлғизликка интилиши тасвирланади. Дарвешона

⁸Саидова Б. Ақл ва руҳ баҳси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 110.

⁹Balcom David. The Greatest Escape. Adventures in the history of Solitude. – Indiana: Universe, Inc. 2004. – P.33.

ёлғизлик улуг шоир Алишер Навоий ижодининг ҳам энг муҳим қирраларидан биридир.

Ёлғизлик Ўрта асрларда интизом ва маънавий йўл-йўриқ дастури бўлган. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ёлғиз инсонлар – зоҳидлар, дарвешлар камолотга эришиш, юксалиш намунаси бўлганлиги бадиий адабиётда акс эттирилган. XIX асрдан бошлаб ёлғизлик масаласига сал бошқача ёндашиш бошланди. Гарчи кўплаб файласуфлар ёлғизлик ўз-ўзини бошқаришда энг тўғри йўл деб билсалар-да, ёлғизлик бегоналашиш оғриғи билан боғлиқ психологик ҳолат эканлиги сезила бошлади. Адабиётшунос олим Эдвард Энгелберг ёзганидек: «XVIII аср гўзаллик ва ёлғизликни тенглаштирган бўлса, XIX аср гўзаллик ва ёлғизликни қоронғу маънода тасаввур қила бошлади»¹⁰. XIX-XX асрларда яратилган бадиий асарларда ёлғизлик кўпроқ умидсизлик, тушкунлик билан боғлиқ ҳодиса сифатида қўлланилгани кузатилади.

Ёлғизлик инсон руҳиятига хос туйғу бўлиб, инсон баъзи муаммоларни ечиш учун ёлғиз қолишни истаса, аксарият ҳолларда ёлғизлик унинг учун энг оғир жазо ҳисобланади. Оллоҳ бандасини ёлғиз эмас, балки жуфт қилиб яратганида ҳам ҳикмат бор. Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг «Ёлғизлик» шеърида танҳолик фақат Оллоҳга ва Унинг томонидан якка яратилганларгагина хослиги бадиий талқин этилган. А.Ориповнинг «Ёлғиз одам» деб номланган яна бир шеъри борки, унда кимсасиз, ёлғиз, яқинлари ва дўстлари бўлмаган кишининг қисмати ачинарли эканлиги очиқ-ойдин айтилган¹¹. Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг «Ёлғизлик истаги» шеърида¹² эса ёлғизлик инсон учун ўлимдан ҳам даҳшатли ва қўрқинчли ҳис экани ёритилган.

Инглиз шоираси Ребека Жо «Ёлғизлик ва тушкунлик» шеърида ёлғизлик тушкунликни келтириб чиқаришини таъкидласа, Чандра Тиагаражан «Ёлғизлик танҳоликка қарши» номли шеърида бу икки тушунча ўртасидаги фарқни тушунтиришга ҳаракат қилган. Шоира антитезадан фойдаланиб, бу икки тушунчани бир-бирига қарши қўяди. Лилак Вайн эса «Қалб ёлғизлиги» шеърида қалб ёлғизлигини манзили йўқ саёҳатга ўхшатган.

Ёлғизликнинг образли характеристикасини яратиш учун муаллифлар кўпинча метафорадан фойдаланадилар. 1. Ёлғизлик оғриқ, азоб ва қўрқув каби ҳолатлар билан боғлиқликда ифода этилади: «...унинг исми ёлғизлик эди ва у битмас-туганмас изтироб келтирарди»¹³. 2. Ёлғизлик денгиз, тун, қоронғулик, коинот, туман, совуқ, момақалдироқ каби табиат ҳодисалари билан солиштирилади: «Loneliness of the soul is like the ocean»¹⁴. 3. Аксарият ҳолларда, ёлғизликка ҳарорат, ранг ва таъм хусусиятлари берилади. Натижада совуқ, аччиқ, қоронғулик, оқлик кўпинча ёлғизлик билан

¹⁰Engelberg E. Solitude and Its Ambiguities in Modernist Fiction. – London: Palgrave, 2001. – P.72.

¹¹Орипов А. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.84.

¹²Воҳидов Э. Сайланма. Биринчи жилд. Ишқ савдоси. – Тошкент.: Шарқ, 2000. – Б.34.

¹³Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б.10.

¹⁴<https://janeiry.wordpress.com/2015/07/28/loneliness-of-the-soul-poem-by-lilac-wine/>

мувофиқлаштирилади: «Юсуф шу тобда аёлнинг юзу кўзларига тикилиб ўтиришига қарамай, юраги ёлғизлик изғиринида изилларди»¹⁵; «Бутун дунёсини ёлғизлик зулмати қоплаб олганди, юраги увишарди»¹⁶. 4. Ёлғизликда вақт давомийлиги семантик хусусиятининг мавжудлиги бадий матнларда акс этади: «Whoever bears it will know the sadness of eternal loneliness»¹⁷. 5. Ёлғизлик йил фасллари билан боғлиқликда тавсифланади: «The same loneliness of early spring»¹⁸. 6. Ёлғизлик кўпроқ тунда, қоронғида сезилади: «Now it is Loneliness who comes at night, Instead of Sleep, to sit beside my bed»¹⁹. 7. Бадий асарларда ёлғизлик ижобий ва салбий ҳис-туйғулар билан бирга келади. Чалкашиш, чарчок, ғазаб, даҳшат, қайғу, умидсизлик, тушкунлик, йўқотиш, ишончсизлик, зерикаш каби психологик ҳолатлар қаҳрамонлардаги ёлғизлик туйғусини янада кучайтиради: «We are so lost, so naked and so lonely in America»²⁰. 8. Аксарият ўринларда ёлғизлик салбий ҳодиса сифатида кўрсатилади: «Damn lonely desert cactus, that's us!»²¹.

Умуман айтганда, инсоният барча даврларда ёлғизлик моҳиятини ўрганишга интилиб яшаган. Унга муайян ҳаётӣ концепция сифатида қаралган.

Диссертациянинг «Англия-Америка ва ўзбек ижодкорлари асарларида ёлғизлик мотивининг бадий-эстетик вазифалари» деб номланган иккинчи боби «Инглиз ҳикоянавислигида ёлғизлик мотивининг ўзига хос талқинлари», «Англия-Америка роман ва қиссаларида ёлғизлик фожиаси талқини», «Ўзбек насрида ёлғизлик мотивининг инсон кечинмалари фонида берилиши» деб аталган уч фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда инглиз ва ўзбек адабиётида ёлғизлик мотивидан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари, ижодкорлар бадий маҳорати, улар томонидан ёлғизлик кўринишларининг ҳамда ёлғиз шахс образининг турли ижтимоӣ-руҳӣ факторлар орқали бадий гавдалантирилишидаги ўзига хосликлар кўрсатиб берилган.

К.Менсфилднинг аксарият ҳикояларида бош қаҳрамон аёллар бўлиб, улар ёши, ижтимоӣ келиб чиқиши, мақомидан қатъи назар турли ҳаётӣ ҳолатларда тасвирланади ва уларни бир муаммо – ёлғизлик ҳисси бирлаштириб туради. Бу аёллар образи ҳаётдан совиған, тушкунликка тушған, умидсиз бўлишига қарамай, яшаш учун курашадиган қаҳрамонлардир. Улар билан Кетрин Менсфилд ўртасида ўхшашлик, яқинлик бор, дейиш мумкин. Чунки Бетти Сузерленд Мидлтон ҳам Менсфилднинг илк ҳикояларида унинг бахтсиз никоҳи туфайли руҳӣ тушкунликка тушған давридаги психологиясини, жамият билан мулоқотдан кўра ёлғизликни афзал кўриши сезилиб туришини таъкидлаб ўтган²².

¹⁵Ҳамдам У. Мувозанат. –Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.241.

¹⁶Ҳамдам У. Мувозанат. –Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.247.

¹⁷Eliot T. S. The Waste Land and Other Poems. – London: A Signet Classic, 1998. – P. 106.

¹⁸Austen J. The Complete Novels of Jane Austen. – Ware: Wordsworth Editions Limited, 2004. – P. 1431.

¹⁹<https://www.poemhunter.com/poem/loneliness-5/>

²⁰Wolfe T. Look Homeward. – Angel. Scribner, 2006. – P.544.

²¹Bradbury R. The Stories of Ray Bradbury. – London: Everyman's Library, 2010. – P.1059.

²²Middleton Bettye Sutherland. Alienation in the life and works of Katherine Mansfield. – Texas, 1966. – P.21.

К.Менсфилднинг «Брилл Хоним» ҳикоясида Брилл хонимнинг зерикарли ҳаёти, ўз ёлғизлигини енгиш учун одамлар ўртасидаги «ўғирланган» алоқаларга ишқибозлиги,²³ унинг бирдан-бир суҳбатдоши мўйнаси эканлиги тасвирланган. Олим Питер Торп «бу мўйнани Брилл хоним муҳтож бўлган жамият, муҳаббат, ғамхўрлик, кадрнинг ўрнини босувчиси»²⁴ деб таъкидлайди. Мўйна Брилл хонимнинг ҳаётини тасвирловчи символ бўлиб, у кичкина қоп-қоронғу қутида сақлангани каби Брилл ҳам ўзининг нурсиз кичик оламида яшайди. Кетрин Менсфилд психологик тасвирдан маҳорат билан фойдаланиб, аёлнинг қалби, ички дунёси ҳамда руҳий оламини рамз ва метафора орқали бетакрор чизгиларда акс эттиради. Ҳикоя психологик конфликтга асосланган бўлиб, ички монолог орқали қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, кайфияти, ҳис-туйғулари ифодаланган.

«Канарейка» ҳикоясида кундуз гуллардан, тунда осмондаги юлдузлардан ўзига ҳамдард, ҳамсуҳбат излаган ва буни канарейкадан топган ёлғиз кекса аёл, «Дўкондаги аёл» ҳикоясида ёлғизлик руҳиятига қаттиқ зарба бериб, қотилга айланган аёл, «Оле Андервуд» ҳикоясида ўттиз йил муқаддам хиёнаткор хотинини ўлдиргани учун қамоқ жазосига гирифтор бўлган одам ҳақида сўз юритилади. Айниқса, «Ма Паркер ҳаёти» ҳикояси бош қаҳрамони руҳияти билан пейзаж тасвири ниҳоятда бир-бирига уйғун акс эттирилгани эътиборни тортади. Унда қаҳрамоннинг ички ҳолати билан ташқаридаги ҳаво, одамларнинг бефарқликлари ўринли қиёсланган: «It was cold in the street. There was a wind like ice. People went flitting by, very fast; the men walked like scissors; the women trod like cats. And nobody knew – nobody cared. Even if she broke down, if at last, after all these years, she were to cry, she'd find herself in the lock-up as like as not»²⁵. Қаҳрамон руҳиятининг куз фасли билан ҳамоҳангликда тасвирланиши бежиз эмас. Биламизки, куз айрилиқ, тушкунлик, умидсизлик, шу билан бирга, кексалик рамзи. Ҳикоядаги куз фасли тасвири қаҳрамоннинг ички оламини ифодаловчи уйғун рамз вазифасини ўтаган.

Инглиз ҳикоянавислигида ёзувчилар кўпинча табиат ҳодисалари, ранг символикасига рамзий маъно юклаш орқали психологик тасвир яратади. Ҳикояларда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар қаҳрамонлар психологик оламидан келиб чиқиб тасвирланади ва таҳлил этилади.

Ёлғизлик инсоннинг жамиятдаги барча ижтимоий ҳолатлардан четда туришига, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига тўсқинлик қилувчи руҳий ҳолатдир. Шунинг учун Ш.Бронтенинг «Жейн Эйр», Ж.Райснинг «Кенг Саргассо денгизи» асарларида етимлик, шахсий ҳаётдаги омадсизлик, телбалик туфайли ёлғизланиш ҳолатлари бадий-психологик таҳлил қилинган бўлса, Д.Лессингнинг «Куйлаётган майса» романида болалигидан руҳан ёлғиз бўлган аёлнинг турмуш қургач ҳам ёлғизликка интилиши тасвирланган. Ж.Стейнбекнинг «Сичқонлар ва одамлар ҳақида» қиссасида воқеалар рўй берган шаҳарча номи испанча ёлғизлик маъносини

²³Middleton Bettye Sutherland. Alienation in the life and works of Katherine Mansfield. – Texas, 1966. – P.84.

²⁴Thorpe Peter. Teaching 'Miss Brill. //College English, 1962. – P. 71.

²⁵Mansfield K. The Garden party and other stories. – London: Constable and Co., 1922. – 255 p.

ифодалайдиган «Соледад» сўзи билан аталган. Шу асосда у ўзига хос мажозий маъно касб этган. Қисса қаҳрамонларининг ёлғизлиги ирқий камчилик, жиннилик, ногиронлик, беватанлик, атрофдагилар билан тил топиша олмаслик каби факторлар натижасида келиб чиққан. Жон Стейнбекнинг нафақат бадиий қаҳрамонлари, балки ёзувчининг ўзида ҳам бу туйғу бўлганлиги Майкл Мейер томонидан айтиб ўтилган²⁶.

Жаҳон адабиётида бош мавзулар қаторига кўтарилган ёлғизлик мавзуси ва кўпинча унинг фожиавий талқини муаммоси, ижтимоий-психологик асослари бадиий таҳлилда берилиши билан боғлиқ жаҳон адабиётида орттирилган эстетик тажрибалар ўзбек адабиётида ҳам кузатилади. Бу жиҳатдан Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи таркибидаги «Ёлғизлик фожиаси» деб номланган 30-бобида раис – раҳбар Қодировнинг жамоадан узилиб қолиши натижасида танҳолик гирдобига йўлиқиши ёритилган саҳифалар алоҳида эътиборни тортади.

Назар Эшонкулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикоясида чолнинг ўзи ишониб келган тузум ва мафкурага ишончи саробга айлангани боис ўз-ўзини жазолаб, ёлғизликка маҳкум этиши акс эттирилган бўлса, «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида Байна момонинг эри ва ўғли ўлимига сабабчи бўлган тузумга, уни ёқлаган қишлоқдошларига нафрати ифода топган. Юрагидаги чексиз нафрат, адоват, қасос истаги кампирни жамиятдан бутунлай ажратиб кўяди.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Аудитория» ҳикоясида одамлар орасида яшаб туриб, жамият билан бирга қадам ташлаб турган профессорнинг руҳан ёлғизланиб қолиш сабаблари тасвирланган. Адибнинг «Мувозанат» романида эса деярли ҳар бир қаҳрамон ёлғизликка гирифтор. Захро эри уни тушунмаслиги, ҳамма нарсани пул билан ўлчаши, унга нисбатан эътиборсизлиги, меҳрсизлигини унутиш мақсадида гулларга меҳр кўйган. Саид узоқ йиллар мансабдор бўлиб, раҳбар лавозимида ишлаб, ишдан урилгач, ёлғизланиб қолади. Амир эса динга чуқур берилиш оқибатида кўп нарсадан жудо бўлган телба образидир. «У таянч ва таскин, ҳамроҳ ва ҳамдари топа олмай, ўз ёлғизлиги изғиринида девона бўлди»²⁷. Юсуф бўлса кашшоқлиги, дунёқараши туфайли ёлғизликдан қийналади. Лекин у ички ва ташқи мувозанатини тиклаб олиб, ёлғизликни енгади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек ҳикоя, қисса ва романларида ёлғизлик мотиви алоҳида ўринга ва ўзига хос талқинга эга.

Диссертациянинг **«Англия-Америка ва ўзбек ижодкорларининг ёлғизлик мотивидан фойдаланишдаги муштарак ва фарқли жиҳатлар»** номли учинчи боби «Англия-Америка ва ўзбек адабиётида ёлғизлик сарлавҳаси билан яратилган асарлар поэтикаси», «Ёлғизлик тушунчаси ифодасига диний-этикодий, маросимий тушунчаларнинг таъсири», «Ўзбек ижодкорларининг руҳий таҳлилни ўзлаштиришида адабий таъсирнинг ўрни»

²⁶Meyer J. M. The Essential Criticism of John Steinbeck's Of Mice and Men. – Maryland: Scarecrow Press, 2009. – P. 291.

²⁷Ҳамдам У. Мувозанат. –Тошкент: Шарқ, 2007.–Б.253.

деб номланган уч фаслдан таркиб топган. Бу бобда «ёлғизлик» сўзи сарлавҳа даражасига кўтарилган асарлар қиёсий таҳлилга тортилган.

Ш.Андерсоннинг «Ёлғизлик» номли ҳикоясида жамиятдан узилиб, бошқаларга руҳан ўхшамагани учун яккаланиб қолган, аммо шу ёлғизликдан ўзини қутқариш учун хаёлий олам яратиб, шу оламда яшаётган инсон образи келтирилган. Унда ёлғизлик мотиви асар мазмунини ташкил этиши билан бир қаторда композицион бутунликни ҳам таъминлаган. Колористика, бадиий деталлар, конфликт, сюжет, сарлавҳа шунга хизмат қилган.

М.Беккет «Ёлғизликнинг ранги» романида ёлғизлик мавзуси билан биргаликда ўлим, хиёнат, бевафолик, дўстлик мотивларига ҳам мурожаат қилади. Тақдири азал туфайли ўлим ва хиёнат зарбаларидан ўзини йўқотиб қўйиб руҳан азобланаётган бош қаҳрамон – Мира изтиробларини қаламга олади: «She simply stares into the darkness at nothing. The quiet stillness combined with the dark has a nice numbing effect on her. But it doesn't last long. The empty house reminds her of her loneliness. Now she has no one. It reminds her of how many people she's lost that she loved. Leaning her head back against the couch, she shuts her eyes as one tear after another slip down her cheeks. Her sobs echo and bounce around her quiet apartment. Curling up into a ball, she cries until she feels empty. Until she has nothing left»²⁸. Ёзувчи роман бошиданок Миранинг ички кайфиятини очишда юз, кўз, соч, йиғи каби портрет унсурларидан унумли фойдаланади ва бу, ўз навбатида, ўқувчи кўз ўнгига тушқун қаҳрамон образини гавдалантиради.

Ёлғизлик мотиви сарлавҳа даражасига кўтарилгани нафақат инглиззабон ижодкорлар, балки айрим ўзбек ёзувчилари ижодида ҳам кузатилади. Шулар орасида С.Зуннунованинг «Ёлғизлик» ҳикояси қаҳрамони ёлғизланган ўрта ёшли олима Иқболхон «интернатда ўсган, ҳеч кими йўқ» эди, шундан унинг характерида ёлғизликка мойиллик, инжиқлик, гапини ўтказиш каби хусусиятлар шаклланган.

Ҳ.Пардаеванинг «Ёлғизликдан қочиш ёхуд ўзгариш» ҳикоясида эркаклардан нафратланадиган ёлғиз олима аёл Гавҳар Ширинованинг яккалиги отасига нафрат, эркакларга нисбатан ишончсизлик, худбинлик, мағрурлик ва кибрлилик билан боғлиқ.

Зулфия Қуролбой қизининг «Ёлғизлик қурбони» ҳикоясида ёлғизланиб қолган Тамара хола каламушларга ўрганиб қолиб, уларни фарзанд боққандек парваришлашга ҳаракат қилади. Аммо охирида уларнинг емишига айланади: «Наҳотки мен ўлаётган бўлсам... Наҳот каламушларга емиш бўлиш учун шунча йил яшаган бўлсам?» деган ўйга борди. Мана, ниҳоят мен ўз ёлғизлигимни кўрдим... дея шивирлади у ўзини хомталаш қилаётган каламушларга қараб. Бутун ҳаётим давомида мени қуршаган ёлғизлик ниҳоят ўзини кўрсатди... Умр шомиди тақдир менга қалтис ҳазил қилди. Мен ёлғизликка ем бўлдим...»²⁹. Асар воқеалари тасвирида Европа адабиётининг,

²⁸ www.smashwords.com/extreader/read/236490/0/color-of-loneliness

²⁹ <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/zulfiya-qurolboy-qizi/zulfiya-qurolboy-qizi-yolgizlik-qurboni-hikoya/>

ёзилиш услубида эса модерн йўналишининг устувор эканлиги кузатилади. Асарда ёлғизлик каламуш тимсолида акс эттирилган. Бунда: 1. Каламуш образи орқали ёзувчи инсондан меҳрини дариғ тутган аёлнинг кунни Аллоҳнинг энг жирканч махлуқотига қолганини, шунга ўзи айбдор эканини таъкидлай олган. 2. Каламуш – ёлғизлик тимсоли, демак, ёлғизлик каламуш каби инсон умрини кемирувчи қўрқинч. 3. Каламуш – ёлғизликни севгани учун шундай кечинмадаги аёлга юборилган жазо. 4. Ёлғизлик – аёлдаги қайғу-алам, армондан келиб чиқадиган худбинлик, кишилардан аччиқланиш, кек сақлаш каби каламушсифат иллатларнинг эгаси оқибат каламушлар билан дўст бўлади. Ёзувчи воқелик ортига жиддий айбловни яширар экан, мақсадини амалга оширишда тўғри образни танлай олган.

